ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Қ.МИРЗАЕВ, Т.Х.ҲАСАНОВ

В настоящей статье рассмотрены новые принципы педагогических технологий и анализированы условия их применения, в процессе обучения студентов ВУЗов.

In the article new principles of pedagogical technology have been investigated and the conditions of their usage in the process of teaching students at Higher Educational Establishments have been analyzed.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти ижтимоий, маънавий-маданий, шахслараро-руҳий, ишлаб чиқариш муносабатларига босқичма-боскич ўтиши ва бу жараёнда илмий-техник ютуқларни, янги ахборот технологияларини кундалик ижтимоий-иктисодий ҳаёт жабҳаларига зудлик билан жорий этиш заруратининг юзага келиши баркамол авлод таьлим-тарбиясида янги педагогик технологиялардан фойдаланишни долзарб масала қилиб кўймоқда.

Илмий-техник янгиликлар оқими илгаргидек ўн йилликлар, йиллар давомида эмас, балки ойлар давомида ишлаб чиқаришга жорий этилмоқдаки, натижада нафақат олий ўқув юртлари, ҳатто коллежларнинг биринчи босқичида берилган касбий билимлар ўқиш муддатининг охирига бормаёқ эскириб, уларни янгилаш заруратга айланиб қолмоқда.

Мана шу касбий-таьлимий қарама-қаршиликни, педагогик-психологик муаммони ҳис этаётган олий таьлим буйича мутахассис олимлар талабаларни ўқитишнинг ҳар хил шакл ва усулларини амалиётчи профессор-ўқитувчиларга тавсия этмоқдалар. Фойдаланишга таклиф этилган бу шакл ва усуллар маълум даражада самара бермоқда, албатта. Бироқ мавжуд шароит вазифани ўқитиш шакли ва усулларини тубдан “янгилаш” тарзида қўйгани ҳолда бу йўлдаги ҳаракатлар камчиликларни “тузатишга” қаратилгани боис кутилган самарани бермаяпти.

Талабаларга таълим беришда ўқитиш қоида, усулларини танлашда босқичма-босқичлилик, узлуксизлик тамойилига амал қилиш даражасини педагогик диагностика қилиш мақсадида Андижон вилоятидаги автомобил транспортига оид коллежларда, Андижон шаҳар олий ўқув юртларида аникловчи тажрибалар олиб бордик. Олинган натажалар шундан далолат берадики, мазкур ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таьлимнинг интерфаол, ноанъанавий, инновацион усуллари мазмуни, мақсадини биладилар, улардан ўқув жараёнининг айрим босқичларида у ёки бу даражада фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Профессор-ўқитувчиларнинг маьруза, амалий ва лабаратория машғулотлари учун тайёрланган услубий ишланмалари таҳлили (айниқса, автомобиль коллежларида) шуни кўрсатмоқдаки, ўқитувчилар ўз предмети, ҳар бир мавзунинг умумий ва хусусий ўқитилиш мақсадлари ҳақида аниқ-равшан тасаввурга эга эмаслар. Аниқ таълимий мақсад қўйилмагани натижасида танланган ўқитиш шакл, усуллари ҳам ўқитиш мақсадларига мувофиқ бўлмай қолмоқда. Назаримизда, таьлим мақсади аниқ ва равшан бўлмагани сабабли ўқитиш усулларини танлаш таълим мақсади эмас, ўқитиш усулларининг қайсилари “модада” эканлиги билан боғлик бўлиб қолмоқда. Яъни, ҳужжатларга қаралса, ҳар бир машғулот учун тузилган маъруза матни, амалий машғулот, лабаратория машғулоти ишланмаси замонавий таьлим усуллари билан таъминлангандай туюлади. Аммо мавзунинг мақсади аниқ моделлаштирилмаганлиги туфайли, танланган замонавий ўқитиш усуллари самарали натижаларни бермаяпти.

Олий мактаб педагогикаси аёнки, таълим мазмуни уни талабаларга етказиб бериш услубият ва усулларини белгилаб беришини таъкидлаб кўрсатади. Аммо уларнинг ўртасида бирлаштирувчи элемент бор. Бу таьлим қоидаларидир. Ўқитиш қоидалари таьлим мазмунини талабаларга тез, осон, мувофик йўллар билан етказиб бериш вазифасини бажаради ва шуниси аниққи, уларни ўқитувчи ўзи хоҳлагандай танлай олмайди. Танлаш объектив бўлиб, таълим мақсади усулларнинг табиатини, турларини белгилаб беради.

Профессор-ўқитувчиларнинг олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида талабаларга билим беришда таълим қоидаларини танлаш мезонларини аниқлаш учун тест ва анкета саволлари ёрдамида тадқиқотлар олиб бордик. Олинган натижаларни ишлаб чиқиш ва статистик умумлаштириш-

дан маълум бўлдики, профессор–ўқитувчиларнинг катта қисми таълимда илмийлик, билимларни пухта ўзлаштириб бориш, тизимлилик, изчиллик, таълим-тарбиянинг бирлиги қоидаларига амал қилишга ҳаракат қиладилар. Олинган тадқиқот натижаларнинг валентлигини текшириб кўриш максадида респондентлар билан суҳбат ўтказдик, баҳс-мунозара ўтказдик. Маълум бўлдики, профессор–ўқитувчиларимиз мазкур ўқитиш қоидаларидан тушунтириш-иллюстрация, тадқиқот-изланиш, ҳаттоки, янги педагогик технологиялар усуларидаги маърузалар учун ҳам бир хилда фойдаланиш мумкин деб ўйлайдилар.

Маълумки, тушунтириш-иллюстрация усулида маърузалар ўтказишдан таълимий мақсад – талабаларга тайёр билимлар ҳажмини бериш, тадқиқот-изланиш усулидан таълимий мақсад эса талабаларни ижодий фикрлашга йўналтиришдир. Янги педагогик технологиялар усулидаги маърузалардан таълимий мақсад талабалар томонидан билимлар ҳажмини мустақил ўзлаштириб олишларига эришиш, шу асосда уларни ижодий, мустақил, танқидий тафаккур қилишга тайёрлашдир. Кўриниб турибдики, бу шахс сифатларини эски таълим қоидалари билан амалга ошириб бўлмайди.

Янги педагогик технологиялар қоидалари аввалги ўқитиш қоидаларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади ва уларнинг моҳият мазмуни нималардан иборат?

Маълумки, “педагогик технология” терминидаги “технология” тушунчаси техник фанларга тегишли бўлиб, замонавий технологияларнинг педагогика фани жабҳаларига кириб келганлигини англатмоқда. Педагогика фанига асос солинган Я.А.Коменский даврларидан бошлабоқ таълим мақсадларини педагогик усуллар билан аниқлаш қийин масала бўлиб келган. Педагогик жараёнларга технологик тушунчаларнинг кириб келиши таълим мақсадларини аниқ моделлаштиришга ва натижаларни ҳам кафолатлашга имкон берди. Таълим жараёнлари натижаси энди фақатгина ўқитувчи шахсига боғлик бўлиб қолмай, балки ўқитиш жараёнларини лойиҳалаш технологияларига ҳам боғлик бўлиб қолмоқда. Бундан буён технологик, педагогик маънода тўғри лойиҳаланган ҳар бир дарс технологиясидан бошқа ўқитувчи ҳам фойдаланиб, айнан шундай самарали натижаларга эришиши мумкин.

Бунинг сабабларидан бири таълим жараёнларини технологик лойиҳалашда педагогик технологияларнинг умумийлик хусусиятларига эга эканлигидир. Замонавий педагогик технологияларнинг қуйидаги қоидалари мавжуд: илмийлик, лойиҳалашга мослик, тизимлилик, мақсадга йўналганлик, фаолиятий ёндашишлик, бошқаришга мослик, қайта тиклашга мувофиқлик, самарадорлик.

1. Илмийлик қоидаси ҳар бир ўқитилаётган предмет мазмуни замонавий фан ютуқлари асосига қурилишини ва улар албатта ўқув дастурларида, дарсликларда, ўқув қўлланмаларида акс этишини тақозо этади. Илмий тушунчаларнинг қисқа ва аниқ сўзларда акс эттирилишини эътиборда тутади. Илмийлик қоидасини амалга тадбиқ этиш талабларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этишни, уларга фикрларини қисқа ва аниқ илмий тушунчаларда ифода этишни ўргатишни талаб қилади.

2. Лойиҳалашга мослик қоидаси педагогик технологиянинг асосий қоидаларидан бўлиб, ўқув-услубий ҳужжатларнинг тартибли бўлиши, ўқув жараёни графиги, ишчи ўқув режаси, ишчи ўқув предмети дастурининг боблар бўйича мақсадлари, таянч тушунчалари, ўқув жараёни технологияси, билим, кўникма малакаларни баҳолаш мезонлари бир-бирларига монанд бўлишини, уларнинг бошқалар томонидан ҳам қайта тиклаш мумкинлигини тақазо этади.

3. Тизимлилик қоидаси. Педагогик технологияларнинг барча таркибий элементлари бир-бирлари билан боғлик, ўзаро ҳамкорликдадир, бир элементдаги ўзгариш иккинчи бир элементдаги ўзгаришга олиб келади. Педагогик технологияни лойиҳалаштириш, уни амалга ошириш бир бутун тизим сифатида амалга оширилади.

4. Мақсадга йўналганлик қоидасига кўра, фаннинг мақсади, предметнинг мақсади, ҳар бир боб, бўлим, мавзу, қисм, элемент, тушунчалар мақсадларининг бир-бирларидан келиб чиқиши, тизимлилиги ва уларнинг ҳамкорлиги, охир-оқибат аниқ натижага олиб келишини назарда тутилади.

5. Фаолиятий ёндашиш қоидаси психология фанининг шахс-фаолият концепциясига асосланади. Уни педагогик технология жараёнига тадбиқ этсак, берилаётган билим, кўникма ва малакалар, улар билан шахсан ўзаро муносабатлар жараёнида ўзлаштириб олиниши эътиборда тутилади.

6.Бошқаришга мослик қоидаси педагогик диагностика, режалаштириш, моделлаштириш, проектлаштириш, амалиёт, коррекция, баҳолаш ва қайта баҳолаш жараёнларининг бир-бирлари билан омихталиги, бир-биридан келиб чикиши, натижаларнинг бир-бирига боғлик эканлигидан келиб чиқиб педагогик жараённи ташкил этишни тақозо этади. Бунда натижаларнинг бошка бир вазиятда ҳам бир хил бўлиши назарда тутилади.

7.Ишлаб чиқаришда бир хил технологияга риоя қилиниб, бир хилдаги натижа олинади. Педагогик технологияларга риоя килинганда, уни режалаштирилганда, лойиҳалаштирилганда ҳам натижа бир

хил бўлиши керак. Ана шу маънода педагогик технологияга қайта тиклашга мослик қоидаси киритилган.

8.Самарадорлик қоидасига кўра, ишлаб чиқаришда маҳсулот сифати юқори бўлгани каби, педагогик технологияни лойиҳалаштириш натижаси ҳам юқори сифатли, самарали бўлиши назарда тутилади. Ҳаттоки, ушбу педагогик технологик лойиҳадан бошқа ўқитувчи фойдаланганда ҳам бир хил самара кутилади. Бу, айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг энг асосий қоидаси бўлиб, янги педагогик технологияларни жорий этилишига асосий сабабдир.

Шундай қилиб, коллежларда, олий ўқув юртларида таълим жараёнини режалаштириш, лойиҳалаштириш ҳамда коррекциялашда берилган таълим мазмуни асосида талабаларда ижодий, мустақил, танқидий фикрлашни тарбиялаш учун педагогик технологияларнинг янги қоидаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қоидалар танлангандан кейин, шунга мувофиқ равишда видеороликлар, видеоальбомлар, электрон маърузалар, электрон доскалардан фойдаланса бўлади.

Андижон давлат университети,
2010 йил 23 мартда қабул қилинган